Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 109 (3610)
СЕШАНБА
16 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети 1978 йилнинг биринчи кварталида Ўзбекистон ССР шаҳарларининг энг яхши ободонлаштириш ва санитария аҳволи учун социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи, биринчи пул мукофоти билан бирга **Самарқанд шаҳрига** (шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Файзиев, шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Худойқулов, шаҳар коммунал хўжалик ва ободонлаштириш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Хусаинов, маҳаллий саноат ва коммунал-маиший корхоналар ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси ўртоқ Латипова) берилди. Байроқ Фарғона шаҳридан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ иккинчи пул мукофоти билан бирга **Бухоро шаҳрига** (шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Жамолов, шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Абдураҳмонов, шаҳар коммунал хўжалик ва ободонлаштириш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Солихов, маҳаллий саноат ва коммунал-маиший корхоналар касаба союзи область комитетининг раиси ўртоқ Козлов) берилди. Байроқ Тўрткўл шаҳридан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ, иккинчи пул мукофоти билан бирга Тошкент шаҳрининг **Фрунзе районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Султонова, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Бекмирзаев, район ободонлаштириш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Юсупов, маҳаллий саноат ва коммунал-маиший корхоналар ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси ўртоқ Акбарова) берилди. Байроқ Тошкент шаҳрининг Куйбишев районидан олиб берилади.

1978 йилнинг биринчи кварталида Қарши, Андижон, Наманган, Фарғона шаҳарлари, Тошкент шаҳридаги Киров, Чилонзор ва Октябрь районлари ободонлаштириш ва санитария аҳволи жиҳатидан яхши ишлар қилганликлари кўрсатилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети партия, совет, касаба союз ташкилотлари ва коммунал-хўжалик корхоналарининг коллективларини республика шаҳарларини яхши ободонлаштириш ва санитария аҳволи учун социалистик мусобақани янада кенгроқ авж олдиришга даъват этдилар.

⊙ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНИ — СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА

Ютуқларни мустаҳкамлаб

Синтетик ювиш воситалари заводи коллективи шаҳардаги саноат корхоналари ўртасидаги шу йилнинг биринчи квартали социалистик мусобақасида голиб чиққанлиги учун корхона тарихида биринчи марта Тошкент шаҳар партия комитети, шаҳар Совети ижроия комитети, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди.

Биринчи кварталда корхонада 5880 тонна ўрнига 6220 тонна юқори сифатли ювиш воситалари ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш бўйича ҳам мусобақада Нина Иванова бошлиқ порошок тайёрловчилар сменаси пешқадамлик қилянти. Бу коллектив смена топшириқларини 130— 135 процент бажариб, уч йиллик планни СССР янги Конституцияси кунигача бажаришга интилянти.

Ҳозир корхонада хом ашё таъминотида кейинги пайтда юзага келган қийинчиликларга қарамасдан, юқори ишлаб чиқариш маромини сақлашга, биринчи кварталдаги ютуқларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинянти. Шу кунларда савдо тармоқларига ҳар куни 75—76 тонна маҳсулот жўнатилянти. Бу кундалик нормадагидан анча юқоридир.

Заводда беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун авж олган мусобақада Нина Иванова бошлиқ порошок тайёрловчилар сменаси пешқадамлик қилянти. Бу коллектив смена топшириқларини 130— 135 процент бажариб, уч йиллик планни СССР янги Конституцияси кунигача бажаришга интилянти.

Муҳим эътибор

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси чеварлари эришаётган ютуқлар кувонарлидир. Зарбдор меҳнат йилини яхши суръат билан бошлаган бирлашма меҳнат аҳли тўрт ойлик топшириқни ҳам барвақт уддалаб, пландан ташқари 1 миллион 50 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб берди. Коллектив ишлаб чиқарган ялпи маҳсулотнинг асосий қисмига меҳнат унумдорлигини (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 процентга) ўстириш туфайли эришди.

Бирлашманинг ишчи ҳамда хизматчилари сифат ва самарадорлик беш йиллигида буюмларнинг сифатига ва уларнинг номенклатурасига эътиборни тобора кучайтиряпти. Ҳозирда 10 хил моделдаги буюм Давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Шу кунгача фахрли беш қиррали белги билан тайёрланаётган буюмлар 2 миллион 200 минг сўмликка етди.

Коллективнинг бундай ютуқларга эришувида «СССР Конституцияси кунигача беш йилликнинг уч йилги планини бажарамиз!», «Қолоқларсиз ишлайлик»! шиорлари остида социалистик мусобақанинг авж олдириб юборилиши катта аҳамиятга эга бўлмоқда. «Бир беш йиллик» — икки беш йиллик» шиори остида меҳнат қилаётган П. Новасельцева, А. Ким, Г. Ефремова каби пешқадам чеварлар беш йиллик топшириқни уддалашиб, ҳозирда 1981 йил ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Корхона қуввати ошади

Уйсозлик комбинатининг 2-йириқ панеллар заводида арматура ва ремонт-мехника цехларининг реконструкцияси бошланди. Бу иш корхона қувватини оширш, маҳсулот сифатини яхшилаш, қурилишнинг ҳозирги талабини қондириш мақсадида амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида 1 миллион 220 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш мўлжалланган.

Реконструкциянинг асосий мақсади шахримизда келгусида қад кўтарадиган кўп қаватли биналар учун темир-бетон конструкцияларини тайёрлашнинг янги илғор технологиясига ўтишдир. Келгусида бу ерда тайёрланадиган тайёр йиғма материаллар қурувчиларни меҳнатини анчагина осонлаштиради.

Уч йилга мўлжалланган реконструкция ишларининг боришида темирбетон узеллари тайёрлайдиган асосий ишлаб чиқариш корпуси, тайёр маҳсулот омборлари, компрессорлик станцияси ва бошқа объектлар қад кўтаради. Қурилиш ишларига 15 миллион сўм атрофида капитал маблағ сарфланади.

● ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

«ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАРНИ БОШҚАРИБ

3-такси паркининг коллективи Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси қабул қилиниши шарафига ўз зиммасига салмоқли мажбурият олди. Корхонанинг 20 ҳайдовчиси пахта йиғимтеримни бошланадиган кунларда Жиззах областининг Октябрь районидаги 31-совхозда меҳнат қилади. Ҳайдовчилар мавсумда, «зангори кема»ларни бошқариб 150 — 250 тоннадан пахта теришга аҳд қилдилар. Бундан ташқари хўжаликнинг пахта териш машиналарини ремонт қилишда шаҳардаги такси паркининг ремонтчилари қатнашади.

Ана шу такси паркининг азамат ҳайдовчилари ўтган йили бу оталиқдаги хўжаликда арзигули меҳнат қилишди. Улар 1500 тонна атрофида пахта теришди.



Тошкент чинни заводи беш йилликнинг учинчи зарбдор йилида 30 миллион дона чинни буюми ишлаб чиқаради. Айни кунларда чиннисозлар ўз сўзларининг устидан чиқишлари учун барча ички резервларни ишга солишиб, астойдил меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: пишириш цехининг энг илғор назоратчиларидан бири Фотима Қосимовани кўриб турибсиз. У чинни буюмлари туркумини кўздан кечиряпти.

МЕТАЛЛНИ ТЕЖАШ — ДАВЛАТ АҲАМИЯТИДАГИ ВАЗИФА

Тошкентнинг меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисидаги Мактубини аниқ ҳаракат программасидан қабул қилдилар.

Шаҳарнинг корхона ва ташкилотларида хўжалик фаолиятининг барча звеноларида тежамкорлик режимини кучайтириш, қимматли хом ашё бўлган металлни тежаб-тергаш учун ҳаракат кенгаймоқда. Хом ашё ва материаллардан самарали фойдаланиш бўйича Бутуниттифоқ жамоат кўригига тобора кўпроқ коллективлар қўшилишяпти. Рационализаторлар ва ихтирочилар фаолиятн ҳам кучаймоқда. Улар ўз ижодларида халқ хўжалигида моддий ресурслардан омилкорлик билан фойдаланишга асосий эътиборни қаратмоқдалар. Натижада фақат биринчи кварталнинг ўзида Ленин, Ҳамза, Куйбишев, Октябрь ва Киров районлари корхоналари 3 минг тоннага яқин қора ва рангли металлни тежашди.

Бироқ ҳали ҳамма корхоналарда ҳам пўлатни, чўянни, прокатни тежаш бўйича белгиланган тадбирлар амалга оширилянти, деб бўлмайди. «Главстройиндустрия»нинг биринчи заводида, 6-темир-бетон буюмлари заводларида ва бошқа корхоналарда бу ишларнинг аҳволи дуруст эмас. Ишнинг манфаатлари ҳар бир буюмга сарфланадиган металл миқдорини камайтиришни, пўлат, прокат, чўян ўрнида бошқа материаллар, жумладан пластмассадан фойдаланишни йўлга қўйишни тақозо этади. Иккиламчи металларни тўплаш ва қайта ишлашга алоҳида эътибор бериш керак. Металлни тежаш учун кураш — муҳим вазифадир. Шунинг учун уни комплекс, партиявий ҳал этиш лозим.

Чиқитдан деталь тайёрланяпти

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи беш йилликнинг учинчи йили учун социалистик мажбурият олганида белгиланган нормадан 30 тонна кўп металл прокат тежашни белгилаганди. Машинасозлар оширилган мажбуриятни бажариш учун ўз олдиларига тежамкорлик режимини кучайтириш вазифасини қўйдилар.

Прокат заготовка учун қирқилаётганида яроқли чиқитлар қолади. Бундан бир ярим йил аввал бу чиқитлар темир-терсак сифатида қайта қўйиш учун топширилади. Заводнинг кўп нусхали «Фрунзевец» газетасида яроқли чиқитлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун кампания бошланди. Меҳнат ветеранлари, инженерлар газета саҳифасида ўз таклифларини айтдилар. Партия комитети бу масалани ўз мажлисларидан бирида муҳокама қилиб, чиқитлардан турли хил деталлар ва узеллар тайёрлаш бўйича тадбирлар планини ишлаб чиқди. Мана шундай йўл билан ҳозир корхонада ҳар ойда бир тоннага яқин металл прокат тежаб қолинянти.

В. ДРАЧЕВ,
кўп нусхали «Фрунзевец» газетасининг редактори.



Тошкент экскаватор заводининг инженер конструкторлари Лариса Шеин ва Нозим Расулев электр энергияси ва металл тежаш юзасидан бир қанча қимматли рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий қилдилар. Бунинг натижасида 55 минг киловатт-соат электр қуввати ҳамда ҳар бир экскаватор ҳисобидан 17,2 килограмм металл тежаш имконияти туғилди. Жами бу таклифлар бир йилда 24 минг тонна металлни тежаш имконини беради.

СУРАТДА: инженер конструкторлар Лариса Шеин ва Нозим Расулев янги таклифлар устида фикрлашмоқдалар.

МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

«Ташхимсельмаш» заводи коллективининг социалистик мажбуриятларида беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида планга қўшимча 600 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, 215 тонна металл тежаш белгиланган. Ҳозир коллектив мана шу ваъдаларини бажариш учун анчагина ташкилий-техник тадбирларни амалга оширишмоқда. Жумладан, қимматли хом ашё ҳисобланган метални тежаш мақсадида кўпгина узеллар пластмасса билан алмаштирилянти. Илгари ҳанглагичнуркагич учун ишлатиладиган коллектор пайвандлаш йўли билан тайёрланарди. У кўп меҳнат, ҳаражат талаб қиларди. Ҳозир корхонада коллектор пластмассадан тайёрланянти. Бу бир йилда 1800 сўм маблағни ва 10 тоннагача металн тежаш имконини беради.

Бундан ташқари кўпгина майда деталлар металл чиқитларидан тайёрланаётганлиги, метални исроф қилмай қирқадиган янги, юксак унумли станоклар ўрнатилганлиги ҳам қимматли хом ашёдан кўплаб тежаб қолиш имконини бермоқда.

Завод йил бошидан бери 50 тоннадан ортиқ металл тежаб қолди.

Тежалган эл бойлиги

ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

Геология қидирув заводининг коллективи юбилей йилида — 44 тонна, шу йил бошидан буён 15 тоннадан зиёд ҳар хил металл тежашга муваффақ бўлди. Бундай катта тежамга қандай эришилянти?

— Аввало, ҳар бир деталга механик усулда ишлов беришдан штамповка усулига ўтилганлиги— кўплаб метални тежаш имконини бермоқда, —дейди завод техника бўлимининг бошлиғи Ким Малий. — Масалан, 1ДШР—151МС долотаси корпусини тайёрлашда шундай усулнинг қўлланилиши металнинг чиқитга чиқишини қарийб икки баравар камайтирди.

Корхонада 200 га яқин номда геология қидирув ишларида қўлланиладиган бургулаш ускуналари, мосламалари ва механизмлар тайёрланмоқда. Буларнинг ҳар бирига ишлатиладиган деталларга ишлов беришда ва уларни қўллашда тежамкорлик билан иш олиб борилмоқда. Шунингдек, сиқиқ ҳаво босими орқали ишлайдиган корхоналар тайёрлашда қўлланиладиган 140х20 диаметрли трубаларни 133х28 ҳажмда тайёрлаш —йилига 10 тонна, 121х28 ҳажмли трубаларни 114х25 ҳажмда тайёрлаш — йилига 11 тонна металл тежаш имконини бермоқда. Бундай тежамкорликка эришишда тажрибали ишчи ва хизматчилардан коммунист В. И. Простомолотов, Н. С. Орлов, Ю. Я. Скадков, В. А. Долматов каби рационализаторларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

КОЛЛЕКТИВ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Шаҳримиздаги енгил металл конструкциялари заводида металл энг муҳим хом ашё ҳисобланади. Бу материалдан омилкорлик билан фойдаланиш корхонада қўшимча кўплаб маҳсулот тайёрлаш имконини беради. Шунинг учун ҳам бу ерда ишчилар, инженер-техник ходимлар тежамкорлик режимини ҳар томонлама кучайтиришга, қимматли хом ашё маҳсулотини авайлаб сарфлашга алоҳида эътибор беришяпти. Завод ижодий фикр эгаларининг ғайрат-шижоати билан ўтган йили жами 320 тоннадан ортиқ пўлат тежалди. Бу маҳсулотдан енгил металл конструкциялар учун зарур бўладиган турли хил муҳим деталлар тайёрланди.

Корхонанинг техника бўлими коллективи юбилей йилида хом ашё материалларини тежаш соҳасида самарали меҳнат қилганлиги учун Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш министрлигининг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлди. Бу муваффақиятда айниқса рационализаторлар Т. Л. Вескер, ва Л. В. Зубанковнинг муносиб ҳиссаси бор. Уларнинг М-22Х102» классли болтнинг ва «РУП» ригелининг конструкциясини ўзгартириш бўйича киритган таклифлари бир йилнинг ўзида ўн тоннадан ортиқ пўлатни тежаб қолиш имконини берди.

• *Ташвишли сигнал*

ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ

Мана шаҳримизда метрополитен қатнаётганига ярим йилдан ошди. Шу муносабат билан қанчадан-қанча жойлар обод ва кўркам бўлиб қолди. Жумладан, «Пахтакор» станцияси ҳам. Лекин очиғини айтганда бу территория шу даврда ҳали яхши ободонлаштирилган ва ича йўқ. Кўчанинг бир томони обод, иккинчи томони жар-жур, тупроқ уюмлари... Ҳаммадан ҳам ачинарлиси — ана шу тупроқ уюмлари орасида неча тонналаб эски ускуна ва механизмларнинг узеллари қоришиб ётганидир. Тошкент метрополитен трести қурувчилари томонидан қолдирилган бу металл бўлакларни олиб кетиш на «Ташметрострой» трести қурувчилари ва на шаҳар, қолаверса Октябрь район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари хаёлига келади, дейсиз.

* * *

Собир Раҳимов районининг 1-Қорақамиш массивида бундан ҳам баттар манзараларнинг гувоҳи бўласиз. 27-трамвай маршрутининг диспетчерлик пункти жойлашган майдонида бўлган кишн қайтиб бу ерга қадам қўйгиси, кўз очиб қарагиси келмайди. Майдоннинг тўрт томони занг босган металлар, сим ўрамлари, конструкциялар билан тўлган.

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг йўлсозлари томонидан қолдирилган бу «эсдалик»лар тезроқ темир-терсакка топширилса яхши бўлур эди. Акс ҳолда бу территорияда қурилиш ишлари бошланиб, қимматбаҳо хом ашёлар ер остига кўмилиб кетиши аниқ. Буни кўрган йўловчилар йўлсозларга эътирозлар билдиришмоқда.

МАСЪУЛИЯТСИЗ РЕМОНТЧИЛАР

Икки йил муқаддам 2-Қорақамиш массивининг 4-микрорайонидаги биз истиқомат қиладёган 51-уйнинг томи ремонт қилинган эди. Собир Раҳимов район ремонт қурилиш бошқармаси ишчилари ўз ўз ишларида электр аррадан фойдаланишди. Шундан кейин эса бу механизм ўз жойида қолиб кетди.

Биз бу ҳақда 36-ЖЭК раҳбарларига мурожаат қилиб, ташландиқ аҳволга келиб қолган бу арранинг ремонтчилар томонидан қолдирилганлигини айтдик. Аммо ремонт қурилиш бошқармаси раҳбарлари бу механизмни аллақачон рўйхатдан ўчириб юборишганга ўхшайди. Анс ҳолда зарур механизм шу чоқгача хўжасизларча ташлаб қўйилмаган бўларди.

КАМОЛОВ,
ҲАКИМОВ,
МУСЛИМОВ.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ Ўртоқ Л. И. Брежнев Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясн кенгашининг сессиясида қатнашиш учун социалистик давлатимиз пойтахти Москвага келган барча қитъалардаги хотин-қизлар ташкилотларининг вакилларини астойдил табриклайди.

⊙ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 15 май куни Туркия Республикаси сенати раиси Сирри Аталайни қабул қилди.

Дўстона суҳбат чоғида меҳмон ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилганлиги туфайли Ўзбекистон ҳаётида рўй берган ўзгаришлар билан таништирилди. Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини янада ривожлантиришнинг истиқболлари тўғрисида, республика меҳнаткашлари шу йил учун ва умуман беш йиллик учун белгиланган бунёдкорлик ишларининг улкан программасини муваффақиятли равишда бажаришга интилаётганликлари ҳақида Сирри Аталайга гапириб берди.

ЖАСОРАТ КИТОБИ

Ҳамза районн ўрта мактабларн илмий бўлим мудирларининг бўлиб ўтган конференцнси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» китобини муҳокама қилишга бағишланди.

Конференцияда сўзга чиққан нотиқлар Л. И. Брежневнинг бу қимматли китоби давримизнинг бебаҳо ҳужжати бўлиб, унда халқимизнинг қаҳрамонлиги, Улуғ Ватан уруши йиллардаги матонати, социалистик Ватанни озод қилишда совет халқининг қаҳрамонона жипслиги ёрқин акс эттирилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Кичик ер воқеаларида қатнашган кўп сонли жангчилар орасида бизнинг ҳамшаҳарларимиз С. Насруллаев ва А. Водовозовлар ҳам бўлишган. Улар конференцияда Улуғ Ватан урушн йилларида бошдан кечирган қаҳрамонликлари, ана шу китобдан олган ёрқин таассуротлари ҳақида ҳаяжон билан гапириб бердилар.

ЯНГИ КИОСКЛАР

Шаҳар «Союзпечать» агентлиги 15 та янги такомиллашган киоскани қабул қилиб олди.

БУГУН

бу киоскалар Акмал Икромов ва Чилонзор районлари ва Қўйлиқ массивн, медицина институтининг янги шаҳарчаси ва бошқа жойларда ўрнатилди.

Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрида «Союзпечать»нинг 400 га яқин киоскаси ишлаб турибди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ҳамда уларга «Қаҳрамон она» ордени билан СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилсин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:

1. **Абдувалиева** Хурият — уй бекасига.
2. **Валиева** Турсун— уй бекасига.
3. **Давлатова** Меҳри— уй бекасига.
4. **Қодирова** Инобат— уй бекасига.
5. **Солиева** Санобар — уй бекасига.
6. **Тожибоева** Турғун Қодировна — уй бекасига.
7. **Файзиева** Миновар Мирқосимовна —уй бекасига.
8. **Шокирова** Муборак — уй бекасига.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил 4 май.

телетайп лентасидан

⊙ ХАНОЙ. Бу ерда Вьетнам касаба союзларининг IV съезди ўз ишини тамомлади. Делегатлар Вьетнам касаба союзларининг янги уставини қабул қилдилар. Вьетнам касаба союзлари федерациясининг раҳбар органларини сайладилар. Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Нгуен Ван Линь Вьетнам касаба союзлари федерацияси ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

Съездда таъкидлаб ўтилганидек, Вьетнам касаба союзлари бундан буён ҳам меҳнаткашларнинг ва жаҳон касаба союз ҳаракатининг бирдамлиги ҳамда бирлигини мустаҳкамлашга, бутун жаҳон пролетариатининг монополистик капитал ҳукмронлигини тугатиш учун олиб бораётган муштарак курашига актив ҳисса қўшадилар.

Съезд қуйидагиларни ўз ичига олган вазифаларни ўтдилар: Вьетнам касаба союзлари федерацияси социалистик мамлакатлар меҳнаткашлари ва касаба союзлар ўртасидаги жанговар бирдамлик ва ҳар томонлама ҳардошларча ҳамкорликни мустаҳкамлашни ўз ташқи сиёсий фаолиятининг биринчи навбатдаги вазифаси деб ҳисоблайди.

⊙ БЕРЛИН. Совет Иттифоқининг буюртмаси билан Штральзунд немасозлик корхонасида қурилган балиқ овловчи траулерда совет байроғи кўтарилди.

Шу йил ичида Совет Иттифоқи учун «Атлантик» типидаги яна 12 траулер қуриб берилади.

⊙ БРЮССЕЛЬ. Льеж шаҳридаги металлургия саноатининг илмий-тадқиқот маркази ишчилари муваффақият қозонидилар.

Улар бир ой мобайнида қаттиқ кураш олиб борганларидан кейин маъмурият меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисидаги ўз талабларини қондиришга розн бўлишга мажбур этдилар.

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Ҳамза ва Куйбишев районлари мусобақаси

Ташаббус билан ижодий меҳнат қилайлик

Ҳамза ва Куйбишев районлари саноат корхоналари ходимларининг тошкентликларнинг беш йиллигининг учинчи йили учун қабул қилган социалистик мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилишга қўшаётган ҳиссаси салмоқлидир. Фақат тўрт ой мобайнида улар планга қўшимча 12 миллион 782 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар.

Халқ хўжалигига қўшимча 92 километр сигнал-блокировка кабеллари, тўртта электр кўприк крани, ўнта экскаватор, 26 трактор прицепи, 300 та газ плитаси, 22 тонна қоғоз, 430 минг тонна сабзавот ва мева консерваси, 4 минг тонна омихта ем олди.

Бир талай корхоналар сўнгги йилда саноат қувватларини анча ошириб, ишлаб чиқариш ва реализация ҳажмини 10-20 процентга ўстирдилар. Улар қаторида «Ташэлектромаш», газ аппаратлари, консерва, 1-ун заводлари, ёғмой комбинати, иссиқлик изоляцияси тажриба устахонаси, 1-уйсозлик комбинати, мебель ойналари фабрикаси ва бошқа корхоналар бор.

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятидаги бу муваффақиятга фан-техника тараққиёти учун фаол кураш олиб бориш, фондлар самарадорлигини ошириш, зўр бериб ижодий изланиш туфайли эришилди.

Жумладан, Ҳамза райони корхоналарида СССР Олий Советинг депутати, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженер-разметчиги Татьяна Ляшконинг «Сифат ва самарадорлик беш йиллигига — инженерлик кафолати» ташаббуси кенг оммалашди.

Унинг қиммати шундаки, ўрта ишлаб чиқариш звеносидаги мутахассислар н и н г ишчилар билан ижодий ҳамкорлиги техника масалаларини тезроқ ҳал этишда, меҳнат жараёнларини ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштиришда олдий ишчиларнинг ташаббусини ривожлантиради. Булар ҳаммаси ишлаб чиқариш самарадорл и г и н и н, кадрларнинг касб маҳоратини, иш сифатини янада юқори даражага кўтариш имконини беради.

Куйбишев райони илмий муассасаларининг саноат корхоналари билан ўсиб бораётган ижодий ҳамкорлигининг яхши мисоли бўла олади. Бу ерда энг янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш. буюм тайёрлашда ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш имконини берадиган илмий-тадқиқотларни олиб бориш ва уларни амалда жорий этишга катта аҳамият бериляпти. Натижада фақат ўтган йилнинг ўзида бу ерда илмий-тадқиқот ишларини жорий этишдан 30 миллион сўмликдан кўпроқ иқтисодий самарага эришилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳисоблаш маркази бўлган кибернетика институти «Средазкабель» бирлашмаси учун бошқарувни автоматлашган системасини ишлаб чиқиб, жорий этди. Ўсимликлар химияси институти «Ташавтоматика» заводига химия лабораториясини жиҳозлашда, ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг яхши бўялишида ёрдам беряпти. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Ҳозирги вақтда Куйбишев райони корхоналарида фахрли беш қиррали белги билан 50 хил буюм тайёрланяпти, уларнинг ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидаги салмоғи 25 процентни ташкил этади.

Фахрли белги билан буюм тайёрлашда кабелчилар салмоқли ютуқларни қўлга киритишди. «Средазкабель» бирлашмасининг бош корхонасида 40 процентдан ортиқ буюм Давлат Сифат белгиси билан тайёрланяпти. Прокат — сим тортиш цехи коллективи эса, ҳозир ҳамма маҳсулотни фахрли белги билан тайёрлаяпти.

Инженерлар, мастерлар, техниклар ўзларининг ижодий изланишлари билан, янги техниканы жорий этишга, тежамкорлик режимига қатъий амал қилишга яхши таъсир кўрсатишяпти. Фақат шу йилнинг ўзида Ҳамза ва Куйбишев районларида 150 тадан ортиқ энг янги ускуналар жорий этилди, 1,6 минг тоннадан ортиқ рангли ва қора металл, 8 миллион киловатт-соат электр қуввати тежалди, 30 хилга яқин энг янги буюм моделлари ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Булар ҳаммаси инженерлар ва ишчилар юксак самарали ижодий ҳамкорлик қилиб, фан-техника тараққиётини жадаллаштираётганликларидан, оз маблағ ва куч сарфлаб кўплаб маҳсулот ишлаб чиқараётганликларидан далолат беради.

Шу билан бирга бу қимматли ташаббус ҳали ҳамма корхоналарда ҳам ривожланяпти деб бўлмайди. Бу хўжалик фаолиятининг бир қатор кўрсаткичларига ҳам таъсир кўрсатяпти.

Айниқса трактор, «Ташавтоматика», синтетик ювиш воситалари, санитария-техника ускуналари заводлари, «Ташкентвино» комбинати мутахассислари инженерлик изланишларини чуқурлаштириш бўйича кўп ишлар қилишлари керак. Бу корхоналарда товар маҳсулот таннархи ўн, юз минг сўмлаб қимматлашиб кетди.

«Ишлаб чиқаришни ривожлантиришни илмий ва инженерлик жиҳатдан юксак даражада таъминлашга интилиш илмий ва инженер-техник ходимларнинг профессионал ва маънавий бурчидир, шон-шараф ишидир» —КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йилда социалистик мусобақани ривожлантириш тўғрисидаги Мактубидаги бу сўзларни ҳар бир инженер-техник ходим ёдда тутиши керак. Ишчи ташаббусларини инженерлик, техник жиҳатдан юксак савияда бўлишини таъминлаш ишлаб чиқариш коллективларининг асосий вазифаларидандир.

1978 йилнинг январь-апрель ойлари кўрсаткичлари	Ҳамза райони	Куйбишев райони
Маҳсулот реализация қилиш бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	103,8	101,9
Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	104,1	101,9
Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати (процентларда)	110,7	103,9
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	103,1	101,9
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)	107,3	102,2
Меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	70,1	56,4
Планни бажармаган корхоналар:		
а) реализация бўйича бажармаган (минг сўм ҳисобида)	—	—
б) ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	1	2
в) меҳнат унумдорлиги бўйича	2	4
Маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш (планга нисбатан процент ҳисобида)	103,3	101,4
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши (процентларда)	114,3	94,1
Планни бажармаган:		
— цехлар	7	3
— участка ва бригадалар	34	16
— ишчилар	353	94
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (марказлашган молиявий манбалар) 1978 йилнинг январь-март ойлари кўрсаткичлари (процентларда)	91,0	91,0
Турар жойни фойдаланишга топшириш планнинг бажарилиши (процентларда) 1978 йилнинг январь-март ойлари	3,2 баравар ўсиш	72,0

Идеология ва ҳаёт

Пропагандистнинг муҳим бурчи

Тошкент тўқимачилик комбинатида пропагандистлар сафи 250 кишидан зиёдроқдир. Улар асосан ишлаб чиқариш командирлари— цех ва бўлимларнинг раҳбарлари, мастерлар, партия ҳодимларидир. Улар коллективнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини янада кучайтиришга асосий эътиборни қаратмоқдалар.

Комбинат партия комитети пропагандистларнинг тажрибасини бошқаларга кенг ёйиш йўлида кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда. Шу мақсадда партия ва комсомол ўқуви, иқтисодий таълим шохобчаларида якунловчи машғулотлар олдидан «Очиқ дарслар» мунтазам ўтказиб бориляпти. Бу очиқ дарсларда Ўзбекистон ССР Асосий Қонуни модда ва низомларида баён этилган қоида ва хулосалар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти кенг, чуқур очиб берилмоқда.

Масалан, 1-йигирув фабрикаси бошланғич сиёсий мактаб машғулотларида бўлиб ўтган очиқ дарсни олайлик. Унинг пропагандисти инженер-экономист Валентина Федоровна Шименовадир. У сўзни дастлаб республикамиз ҳаётидаги катта воқеа—Асосий Қонун меҳнаткашлар томонидан зўр кўтаринки руҳда кутиб олингани ҳақида айтиб ўтди. Унда граждарнларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ойдин белгилаб берилган. Пропагандист тингловчиларнинг ўзларини суҳбатга тортди. Улар ғамхўрликка жавобан фабрикада ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини очиш учун ҳали резерв лар кўплигини конкрет мисолларда айтиб ўтишди. Партия ва ҳукуматимизнинг 1978 йилда мусобақани кенг авж олдириш тўғрисидаги Мактубидан кейин бундай резервларни излаб топиш ҳаракати айниқса кучайиб кетган эди. Масалан, шундай резервлардан бири йигирув машиналари унумдорлигини янада оширишдир. Баъзи йигирувчиларнинг малакаси паст, электр энергиясидан тежаб-тергаб сарфлаш борасида ҳам камчиликлар учрайди. Пахта ортиқча исроф бўлаётган ҳоллар ҳам бор. Буларни бартараф этиш ишлаб чиқаришда кўплаб маблағни иқтисод қилиб қолиш имконини берган бўлар эди. Машғулотларда мамлакат турдош корхоналари иш тажрибаларидан мисоллар келтирилмоқда. Бу эса беш йиллик учинчи йили план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этишга коллектив си пропагандисти Фарида Синицина ҳам машғулотларни юксак савияда ўтказади. У «КПСС сиёсати —ҳаракатдаги марксизм-ленинизмдир» программаси бўйича машғулотлар олиб бормоқда. **Ўзбекистон ССР Конституцияси 6-моддасида: «Марксча-ленинча таълимот билан қуроллган Коммунистик партия жамиятни ривожлантиришнинг бош истиқболини, СССРнинг ички ва ташқи сиёсат йўлини белгилаб беради, совет халқининг буюк бунёдкорлик фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг коммунизм ғалабаси учун курашини планли, илмий асосда олиб боради»,** деб айтилган сўзлар машғулотларнинг бутун руҳига сингиб кетган.

Пропагандист назарияни амалиёт билан бевосита ишлаб чиқариш вазифалари билан боғлаб олиб боришга моҳир. Якунловчи машғулотга тайёрланишдан олдин турли кўргазмали воситалардан, республикамизда ишчилар синфи ўсиши, халқимиз моддий ва маданий фаровонлиги юксалишига оид махсус жадваллардан фойдаланяпти. Гоҳида очиқ дарслардан сўнг пропагандист тингловчиларни Тошкентнинг тарихий, революцион ва шонли ўтмиши билан таништиришга раҳбарлик қилади.

Пропагандист муваффақияти унинг ғоявий—назарий тайёргарлигига ва методик маҳоратига боғлиқдир. Пропагандистнинг билимигина етарли эмас, уни тингловчига қизиқарли қилиб, таъсирчан суратда етказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Партия комитети тажрибали пропагандистларнинг семинар ва кенгашларини ташкил этди, уларда мактаб ва семинарларнинг раҳбарлари ўз иш тажрибалари ҳақида сўзлаб бермоқдалар. Масалан, «Пропагандист ва мусобақа» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда пропагандистлар корхона ишчилари— тингловчиларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ошириб, ўнинчи беш йиллик режаларини ҳаётга татбиқ этишга сафарбар қилиш юзасидан қимматли фикрлар айтишди.

Комбинатнинг барча фабрикалари ва цехларида партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлигига жавобан меҳнат ютуқларини янада бойитиш, белгиланган режаларни барвақтроқ адо этиш юзасидан ишчилар қўплаб таклифлар киритмоқдалар.

Г. РОЗЕНБЛИТ.



Г. Аблаева ўн уч йилдан бери бирлашмасида тикувчи-мотористка мусобақада доимо пешқадамлик 50—60 процентга ошириб адо Конституциянинг бир йиллигини кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқда. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бўлиб ишлаб келади. У соцналистик қилиб келяпти. Кунлик нормасини этаётган бу моҳир чевар СССР янги муносиб меҳнат армуғони билан

СУРАТДА: Г. АБЛАЕВА.

Р. ЗАГРАТДИНОВ фотоси.

МОҲИРЛАР БЕЛЛАШУВИ

3-қурилиш трестида ғишт терувчилар конкурси ўтказилди. Унда бошқармаларнинг ўттиз нафарга яқин малакали ғишт терувчи усталари иштирок этишди. Усталар чўтка фабрикаси учун бунёд этилаётган 48 квартирали турар жой биноси қурилиши объектида беллашдилар.

Конкурсда 36-қурилиш бошқармасининг бинокорларидан М. Комулин ва Н. Слепченко биринчи ўринни, 5-қурилиш бошқармасининг ғишт терувчилари А. Самадов ва П. Кириенко иккинчи ўринни, 16-қурилиш бошқармасининг пешқадамларидан В. Парахтин ва Т. Умеров учинчи ўринни эгаллашди.

Конкурс қатнашчиларининг кучи билан бир сменада 70 куб метрдан зиёд ғишт терилди.

• ЛУҚМА

ЎЗБОШИМЧА «ОШПАЗ»ЛАР

Эрта тонгдаёқ Бешёғоч колхоз бозорининг Кўкчадаги филиалида олди-сотди авжига чиққан. Сабзавот ва мевалар савдосими, деб ўйламанг. Бу ерни анчадан бери таом пиширибоқ сотадиган «қўл-бола ошпазлар» ўзларинини қилиб олишган.

Бу ерга таомхўрлик қилгани келаётган одамларни кўриб ёқа ушламасдан илож йўқ. Негаки, оддий гигиена қоидаларига риоя этилмасдан ерда сотилаётган бу таомларни тап тортмай паққос тушириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди-да. Бу ернинг иштаҳаси карнай доимий мижозларидан кўпи саломатлигини йўқотганини ҳамма биламикан?

Хўш, бундан антисанитария аҳволларига «кўз-қулоқ» бўлиб туриш вазифаси бўлган кишилар нима қилишяпти? Октябрь район санитария назорати органлари ҳам тамоман ўз вазифаларини унутишганга ўхшайди.

Бу таомларнинг баҳосини айтмайсизми? Уларнинг эгалари таомларига виждонсизларча баҳо қўйиб сотишмоқда.

Социалистик қонунчилик, санитария қоидалари хилоф равишда бузилмоқда. Умумий овқатланиш бошқармасининг бу аҳволга эътиборсизлик билан қараб келаётганлиги ҳам жавобланарлидир. Ахир улар таомларнинг бундай чакана савдоси билан қизиқиши ва унинг сабабларини аниқлашлари керак эмасми? Бешёғоч колхоз бозорининг бу ердаги филиали ёнида ошхона очиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш лозим. Ошхона иши шундай ташкил этилиши керакки, унинг хизматидан хўрандалар мамнун бўлсин.

А. ВОҲИДОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

«Полонез» номли автомобиль

ВАРШАВА. Пойтахтдаги автомобиль заводи биноси олдида турган кумушсимон автомашинани томошабинлар қуршаб олган. Бу Польша саноати эндигина ишлаб чиқара бошлаган 5 ўринли «Полонез» енгил автомобилидир. У илгаригн нусхаларидан ташқи кўриниши ва ички безатилиши билангина фарқ қилмайди. Бу автомобилни бошқариш енгил, двигателининг қуввати 82 от кучига етказилган.

Варшава автомобиль заводининг бош директори Ежи Белицкий ТАСС мухбирига бундай деди: Польша урушгача автомобиль ишлаб чиқармас эди. Совет Иттифоқининг холисона ёрдами туфайли Халқ Польшаси замонавий автомобилсозлик саноатини вужудга келтирди. Совет лицензияси асосида яратилган биринчи «Варшава» енгил автомобили 1951 йил 6 ноябрда чиқарилган эди. Ўшандан бери завод 1 миллиондан кўпроқ «Сирена», «Фиат-125» ва бошқа маркадаги автомобиль чиқарди.

Варшаванинг ифтихори бўлган автомобиль заводи кенгайтирилди ва такомиллаштирилди. Ҳозир ҳар икки ярим минутда конвейердан биттадан машина чиқарилмоқда. Бу йил ҳаммаси бўлиб 124 минг автомобиль чиқарилади.

(ТАСС).

Мустақиллик рамзи

ЛУСАКА. Замбиядаги Кафуэ дарёсида қурилган гидроэлектростанцияни мустақиллик рамзи деб атайдилар. Бу станция мис конининг эритиш печларига энергия беради, мамлакатдаги йирик саноат марказлари корхоналарини электр қуввати билан таъминлайди, мактаб ва касалхоналарни ишчилар ва фермерларнинг уйларини ёритади. Станция генераторларининг умумий қуввати 900 мегаваттни ташкил этади.

Кафуэ дарёсининг 400 километрлик юқори қисмидаги жуда катта тўғон ҳам энергетика комплексининг таркибий қисми бўлиб қолди. Бу тўғон халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга эгадир. 65 метр баландликдаги дамба 5000 миллион кубометр сув сиғадиган сув омборини вужудга келтирди. Сув омбори қўриқчилари ерларни суғориш имконини беради.

Совет мутахассислари энергетика проблемасини ҳал этишда Замбияга катта ёрдам бермоқдалар. Уларнинг ёрдами билан мамлакатнинг энг олис районларида 10 дизель электростанцияси қурилди. Бу станциялар янги ерларни ўзлаштириш, саноат корхоналарини қуриш учун негиз бўлиб қолди.

Ҳозирги вақтда республикада электр энергия билан таъминловчи ягона система вужудга келтирилмоқда. Янги электр линиялари қурилмоқда, электр энергияни тақсимловчи ва ўтказувчи миллий контрол марказини ташкил этиш соҳасидаги ишлар тамомланмоқда.

Бельгия ва АҚШнинг аҳолиси

БРЮССЕЛЬ. 1978 йилнинг 1 январида Бельгия аҳолиси 9.837.413 киши бўлган. Бу эса ўтган йилдагига нисбатан 14.111 киши кўпдир.

Матбуотнинг хабарларига кўра, ҳозирги вақтда Бельгияда 5.023.356 хотин-қиз ва 4.814.057 эркак яшамоқда.

* * *

ВАШИНГТОН. Рўйхат бюросининг маълумотларига кўра, АҚШ аҳолисининг нуфузи 1977 йилнинг 1 июлида 216,8 миллион киши бўлган.

(ТАСС).



ТОКИО. Иоиоги паркида Япония пойтахти ишчи ва хизматчилари, демократик партиялари ва жамоатчи ташкилотлари вакилларининг оммавий митинги бўлиб ўтди. Митингнинг 50 мингдан зиёд қатнашчиси ҳукмрон либерал-демократик партия ва монополистик капиталнинг халққа қарши сиёсатига қаттиқ норозилик изҳор этди. Митингда қабул қилинган мурожаатда тинчлик ва демократияни ҳимоя қилиш учун барча прогрессив кучларнинг курашини кенгайтиришга даъват этилади.

СУРАТДА: митинг қатнашчилари.

ТАСС фотохроникаси.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ГАВАНА. Кубада деярли 1800 километр узунликда кабель ётқизила бошланди. Бу кабель Кубанинг йирик шаҳарларини ўзаро боғлайди. Иккинчи беш йиллиқда барча ишлар ниҳоясига етказилиши билан оролда телефон каналлари анча кўпаяди. Мамлакат ҳисоблаш марказлари кабель орқали маълумотларни айрибошлайдилар, шунингдек Гаванадан марказий газеталарнинг фото матрицаларини узоқ жойларга бериш мумкин бўлади.

●

БРЮССЕЛЬ. Европа иқтисодий ҳамжамиятига қўшилган мамлакатларда нарх-наво ошиб бормоқда. Европа иқтисодий ҳамжамияти статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, 1977 йилнинг февраль ойидан 1978 йилнинг февраль ойигача бўлган даврда «Умумий бозор» мамлакатларида нарх-наво ўртача 8,1 процент ошган. Шу давр ичида Дания ва Италияда нарх айниқса қимматлашиб 13,1 ва 12,7 процент ошган.

(ТАСС).

Тошкент метрополитени иккинчи навбати қурилишида

ЯНГИ СТАНЦИЯЛАРДА ИШ ҚИЗҒИН

Редакцияга келаётган кўплаб мактубларда Тошкент метроси хизматидан қандай фойдаланиляпти, иккинчи навбат қурилишида ишлар қандай бормоқда, у қачон ишга туширилади, мазмунидаги саволлар бор. Штатсиз мухбиримиз яқинда метросозлар даврасида бўлиб улар амалга ошираётган ишлар билан танишди.

Транспортнинг энг қулай воситаси — Тошкент метроси олти ойдирки, ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатмоқда. Метро хизматининг афзалликлари кун сайин намоён бўлмоқда. Агар дастлабки кунларда сутка давомида 130—140 минг аҳолига хизмат кўрсатилган бўлса, ҳозирги пайтда бу рақам 200—250 минг кишини ташкил этмоқда. Қарийб 12 ярим километрлик биринчи навбатни босиб ўтиш дастлабки 24—29 минутдан бугунги кунга келиб лойиҳадаги қувватга етказилди. Бу масофани 1 Майдан бошлаб 17 минут давомида босиб ўтишга эришилди.

Метрополитен қурилиши истиқболи жуда катта. Биринчи навбатнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган танталли кунларда тошкентлик метросозлар иккинчи навбат қурилишини ҳам бошлаб юборган эдилар. Метрополитеннинг бу участкаси Луначарское шоссеси бўйлаб уч станцияда барпо этиляпти. Яъни, «Октябрь инқилоби» станциясидан ер ости йўли Горький номли майдонгача давом эттирилади. Станцияларга Ҳамид Олимжон, Пушкин номли, Горький майдони деб ном берилди. Иккинчи навбатни бунёд этиш учун «Ташметрострой» трестининг барча қурилиш-монтаж бошқармалари ва иккинчи тоннель отряди бунёдкорлари енг шимариб ишга киришдилар. Ҳозир бу станцияларда қўйнишган. Участка прозодчиларидан Евгений Костарнов, Валерий Сулимов, Мамасиддиқ Халилов, тог мастери Валерий Подзоровлар ниҳоятда билимдонлик билан иш олиб боряптилар. Улар биринчи навбат қурилишида ҳам иштирок этганликлари учун Тошкент замини қурилиш ишлари қизғин.

Ҳамид Олимжон номли станцияни Владимир Удовиченко раҳбарлигидаги метросозлар барпо этяптилар. Бу станциянинг бир қисми очиқ усулда, иккинчи қисми эса ёпиқ усулда олиб борилади. Владимир Игоревич катта қурилишларда ишлаган, ниҳоятда бой тажриба тўпланган қурувчилардан. У Украинада катта гидроиншоотлар, Олтойда сув омборлари, Қарағандада Иртиш—Қарағанда каналини бунёд этишда актив иштирок этган. Мана энди Тошкент метросининг энг маъсулиятли участкаларидан бирига раҳбарлик қилмоқда. Метросозлар мазкур станциядаги ишларни 1979 йилнинг охирларига тугатишни мўлжаллаб шароитида ишлашда бой тажрибага эгалар. Шунинг учун кундалик топшириқларни мунтазам ошириб адо этяптилар. Участка аъзоларининг асосий қисмини комсомол-ёшлар ташкил этади. Ўзаро мусобақада Николай Рибачёв бошчилигидаги комсомол-ёшлар ВЛКСМ XVIII съезди шарафига ўтказилган зарбдор ҳафталарнинг ғолиби бўлиб, трестда донг таратди.

Шу бригаданинг пешқадам қурувчиларидан бири— проходкачи Мамасиддиқ Халилов шундай дейди:

— Мен метросозликни Ленин майдони станцияси қурилишида бошлаганман. Эндиликда иккинчи навбатнинг энг биринчи — Ҳамид Олимжон номли станцияси қурилиш ишларида қатнашяпман. Янги станция заминига пўлат устунлар қоқаяпмиз. Шунингдек, метро қурувчилари учун душ-комбинат барпо этиляпти.

— Станциямиз очиқ усулда қурилади. Бутун бригадамиз смена топшириқларини мунтазам ошириб бажаряпти. Свердлов шаҳрининг бинокорлари бошлаган «Бригаданинг беш йиллик топшириғини кам ишчи кучи билан бажариш» тўғрисидаги ташаббусига қўшилиб, кам ишчи кучи билан план топшириқларини бажаришга ахд қилдилар. Ҳозир бригадада 72 эмас 68 киши ишлаяпти.

Дуч келиб турадиган қийинчиликларга қарамай, тоннелсозлар ҳар ойда 75 метр ўрнига 85 метрдан лаҳим тайёрлаяптилар. Улар Ҳамид Олимжон номли ва Пушкин майдони станциялари орасида ҳозирнинг ўзида 350 та темир-бетон ҳалқа ўрнатишга муяссар бўлдилар. Шуларнинг 60 таси планга қўшимча равишда бажарилди. Станцияларни бир томонлама туташтириш учун ҳали яна 240 погон-метр тоннель тайёрланиши керак. Улар бу вазифани июнь ойига қадар бажаришга ахд қилишган.

Пушкин номли станцияга томон очиқ усулда олиб борилаётган ер ости йўлини К. Цахоев бошчилигидаги метросозлар амалга оширяптилар.

Қурилиш муносабати билан Тошкентдаги мавжуд биноларни иложи борича сақлаб қолиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Бу масалани ҳал этишда пойтахтимизда ўтказилган «Тошкент метрополитени архитектураси» мавзуидаги Бутуниттифоқ йиғилиши қатнашчилари ўз маслаҳатлари билан ёрдам бердилар. Яна бир муаммо поездлар линиясини Салор каналн устидан олиб ўтиш бўлиб қолди. Бу, ҳал этилган проблема. Тошкент шароитида метро қуриш тажрибасида амалда синалган. Яъни биринчи навбатнинг Анҳор устидан эстакадалар ёрдамида 300 метрлик масофаси тепаликдан ўтказилган. Худди шундай Салор каналн устидан ҳам поезд йўли 225 метр узунликда эстакадалар бўйлаб ўрнатилади. Иккинчи навбат қурилишидаги юзага келган ана шундай муҳим муаммоларнинг барчаси мукаммал ҳал этилди.

Барча илғор коллективлар қатори, тошкентлик метросозлар ҳам СССР Конституциясининг бир йиллигига уч йиллик план топшириқларни бажариш ташаббусига қўшилиб ишлаяптилар. Бу йил улар планга қўшимча равишда 350 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини олиб борадилар. Бунёдкорлик коллективларида амалга ошириладиган ишларнинг қарийб 30 процентн машҳур бинокор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобиннинг хўжалик ҳисоби услубида олиб борилади. Ишнинг ҳозирги даражада кетиши метросозларнинг ваъдаларига вафо қилишларидан далолат бериб турибди. Шу ўринда Константин Виноградов бошчилигидаги тоннелсозлар иши ҳақида қисқача тўхтаб ўтса бўлади. Улар Свердловск шаҳри бинокорлари бошлаган ташаббусга биринчи бўлиб қўшилиб, кам ишчи кучи билан план топшириқларини бажаришга ахд қилдилар. Ҳозир бригадада 72 эмас 68 киши ишлаяпти.

Дуч келиб турадиган қийинчиликларга қарамай, тоннелсозлар ҳар ойда 75 метр ўрнига 85 метрдан лаҳим тайёрлаяптилар. Улар Ҳамид Олимжон номли ва Пушкин майдони станциялари орасида ҳозирнинг ўзида 350 та темир-бетон ҳалқа ўрнатишга муяссар бўлдилар. Шуларнинг 60 таси планга қўшимча равишда бажарилди. Станцияларни бир томонлама туташтириш учун ҳали яна 240 погон-метр тоннель тайёрланиши керак. Улар бу вазифани июнь ойига қадар бажаришга ахд қилишган.

Э. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. ҚОДИРОВ: Мен картинг ҳайдашга ва бу соҳада етарли малакага эга бўлишни орзу қилганман. Ҳозир 6-синфда ўқияпман. Картингчилар клуби қаерга жойлашганлиги ва унга қабул қилиш шартлари ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Шаҳримиздаги Ленин, Ҳамза, Чилонзор, Собир Раҳимов, Октябрь, Киров районлари ДОСААФ комитетлари қошидаги спорт-техника клубларида картингчилар секцияси мавжуд. Бу секцияларга ўн ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади. Бинобарин, Сиз ўзингизнинг турар жойингизга яқин бўлган район спорт-техника клубига қатнаб, картинг ҳайдаш сирларини ўрганишингиз мумкин.

* * *

Д. САМАТОВА. Телевизорда «Офицерлар» фильмини томоша қилган эдим. Фильм қаҳрамонларидан бири— Ваня Трофимов Суворовчилар билим юртида ўқирди. Айтингчи, Тошкентда ҳам шунга ўхшаш билим юрти бормн?

Жавоб: Тошкентда бундай билим юрти мавжуд эмас. Аммо, офицер бўлиш ниятида бўлган ёшлар В. И. Ленин номли Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртига кириб, ҳарбий санъат сирларини ўрганишлари мумкин. Бу билим юртига ҳарбий хизмат ёшига тўлган йигитлар махсус медицина кўригидан ўтказилгандан сўнг қабул қилинадилар.

* * *

Ф. ҲОШИМОВ: Мен курашнинг дзю-до турига жуда қизиқаман. Мумкин бўлса қаерда шундай спорт секцияси борлиги, унга неча ёшдан қабул қилиниши ва у ерга қайси транспорт билан бориш мумкинлиги ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Курашнинг дзю-до тури сирларини «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятида ишлаб турган дзю-до секциясида ўрганишингиз мумкин. Секцияга саккиз ва ундан зиёд ёшда бўлганлар қабул қилинади. Жамият Волгоград кўчасидаги 81-уйда жойлашган. Бу ерга метро орқали борилади. Жамият раисининг телефони 77-06-47.

* * *

Н. РЎЗИМАТОВ: Хоккей дастлаб қаерда пайдо бўлган? Баъзилар Англияда пайдо бўлган деса, баъзилар Канадада дейишади. Шунга аниқлик киритиб берсангиз.

Жавоб: Хоккей дастлаб Англияда пайдо бўлган. Аммо иқлим тўғри келмаганлиги учун кейинчалик бу мамлакатда хоккей билан шуғулланилмай қўйилган. Канадада бу спорт турининг ривожланишига англиялик офицерлар сабаб бўлишган. Улар Канадада ташкил қилган дастлабки ўйинлар маҳаллий аҳолига маъқул бўлиб қолган. Хоккей шу ерда аста такомиллашиб, ҳозирги кўринишга келган.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Тошкентдаги грампластинкалар заводининг электр монтёри Игорь Погорелов ишдан кейин ўртоқлари билан уч киши бир шиша ароқни ичиб олгач, уйи томон йўл олди. Прядильная кўчасида троллейбуслан тушгач, ана шу кўчада келаётган юк автомобилининг олдини кесиб, кўчанинг нариги томонига ўта бошлади. Маст ҳолдаги Игорь юк автомашинаси орқасидан, иккинчи қатордан бошқа автомобиль — Д. Кав бошқариб келаётган «ГАЗ — 24» 33—95 ТНМ автомобили чиқиб қолишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бу автомобиль уни уриб йиқитди.

Погорелов бош мияси қалқиган ва кўп жойлари лат еган ҳолда тўқимачилик комбинати медицина-санитария қисмига ётқизилди.

Бизнинг интервью

АЭРОФЛОТ ЁЗГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ёзги дам олиш ва саёҳат мавсуми бошланиши билан ҳаво кемаларидан фойдаланувчи йўловчилар сони кун сайин ошмоқда. Бу мавсумга Ўзбекистон граждан авиацияси ходимлари ҳам катта тайёргарлик кўрдилар. Авиайўловчиларга яратилаётган янги қулайликлар ҳақида Ўзбекистон граждан авиацияси ҳаво йўллари марказий агентлигининг бошлиғи Артём Александрович ДАДАЯН мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Одатда ҳар йили баҳор ва ёз ойларида олис манзилларни яқин қилувчи самолётларга талаб жуда ошиб кетади. Шунинг учун ҳам билет кассалари эртадан кечгача одамлар билан гавжум бўлади. Ана шу мавсумда авиайўловчиларга ҳар томонлама намунали хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди. 15 майдан бошлаб марказий ва маҳаллий ҳаво йўллари бўйлаб учувчи самолётлар янги жадвал асосида қатнай бошлади. Янги жадвалда йўловчилар эҳтиёжига қараб кўпгина шаҳарларга қатновчи рейслар сони оширилди. Бир қатор янги рейслар очилди.

— Учиш кунидан илгари билет олувчилар учун қандай қулайликлар яратилди?

— Сапёрлар майдонида жойлашган ҳаво йўллари марказий агентлигида 25 та касса олдиндан билет олувчиларга хизмат кўрсатмоқда. Бундай кассалар миқдори шаҳримизда мунтазам ошиб бормоқда. Яқинда «Пахтакор» стадиони ёнидаги «Ёшлар уйи»да, «Ленинград» меҳмонхонасида янги авиакассалар ишлай бошлади. Ҳозир пойтахтимизда ҳаммаси бўлиб 50 та ана шундай касса авиайўловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

— Москва орқали учадиган транзит йўловчилар қандай қулайликлардан фойдаланишлари мумкин?

—Транзит йўловчилар учун марказий агентлик биносида ўринларни бронлаштирувчи диспетчер ишлай бошлади. Диспетчер «Сирена» автоматик системаси ёрдамида 30-40 секунд ичида Москвадан учадиган самолётларга ўринни бронлаб бера олади.

Бундан сал илгари эса тошкентликлар бир йўла қайтиш учун ҳам шу ернинг ўзида билет сотиб ола бошлаган эдилар. Эндиликда йўловчилар бошқа шаҳарга бориш учун билет сотиб олмасдан туриб ҳам қайтиш учун билет сотиб олишлари мумкин. Курорт шаҳарларига учувчи йўловчилар қайтишдан икки ой илгари то ўн олти кун қолгунга қадар, бошқа шаҳарлардан қайтувчилар эса бир ойдан бошлаб беш кун қолгунга қадар Тошкентда туриб билет олишлари мумкин. Қайтиш учун билет олган кишилар билетни бошқа шаҳарда регистрация қилдирмасдан туриб учишлари мумкин. Бундан ташқари, йўловчилар ҳар бирида мамлакат ҳудудининг ҳар бир ерига учиш имконини берадиган «Ҳамма ерга» деган махсус купонга эга бўлишлари мумкин.

— Ёз мавсумида курорт ва санаторийларда дам олувчилар учун яна қандай қулайликлар яратилмоқда?

— Марказий агентлик залида курорт шаҳарларга қатновчи йўловчилар учун махсус кассалар ишлай бошлади. Шунингдек, дам олиш уйларида, санаторий ва дам олиш муассасаларида ҳам билет сотиш ташкил этилмоқда.

— Янги ҳаво йўллари ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз. Шуниндек самолётлар ҳаракати жадвалида яна қандай ўзгаришлар бўлади?

— 1 июндан бошлаб Болтиқ денгизи бўйидаги учта республика пойтахтини шаҳримиз билан тўғри ҳаво йўли орқали боғловчи янги рейслар қатнай бошлайди. Тошкент — Калининград маршрутн бўйлаб учувчи янги рейс Гурьев, Донецк ва Минск шаҳарларида қўниб ўтади. Тошкент — Таллин маршрути эса Челябинск ва Куйбишев шаҳарлари орқали ўтади. Ҳар иккала рейсда ҳам ТУ-134 самолётлари хизмат кўрсатади. 15 июндан Иссиқкўл яқинидаги Чўлпон ота шаҳрига учувчи иккита янги рейс очилиши кўзда тутилмоқда.

— Марказий курорт шаҳарлари ва Москвага учувчи йўловчилар қандай қулайликлардан фойдаланадилар?

— Яқинда бошлаб Сочи, Симферополь ва Одесса шаҳарларига икки баробар кўп йўловчи олувчи тез учар ТУ-154, Минвода шаҳрига эса ИЛ-62 самолётлари қатнай бошлаган эди. Баҳор-ёз мавсумида бу шаҳарларга қатновчи рейслар яна кўпайтирилади. Ватанимиз пойтахти Москва шаҳрига учувчи рейслар сони тўртдан олтигача кўпайтирилади.

Бундан ташқари, йўловчилар миқдорига қараб қўшимча рейслар очиш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш кўзда тутиляпти. Бу тадбирлар авиайўловчиларга янада намунали хизмат кўрсатиш, уларнинг манзилини яқин қилиб, яхши кайфият бахш этиш имконини беради.

М. АБДУЛЛАЕВ.

СТЕНДАЛЬ

ҚИЗИЛ ВА ҚОРА

РОМАНДАН БОБЛАР

Матильда билан ўша олишувдан сўнг орадан вақт ўтгани сайин унинг қалбидаги муҳаббат ва қувончи тийиқсиз бир суръатда ўсиб борарди. У энди ўзини қойишга ҳам тайёр эди. «Унинг ноласига қандай чидадим ахир? дерди у ўзига ўзи.—Агар у мендан бутунлай совисачи? Бу мағрур юракда ҳамма ҳис-туйғулар бир зумда айқаш-уйқаш бўлиб кетиши мумкин, мен эсам, сирасини айтганда, унга ёвузларча муомала қилдим».

Кечқурун у де Фервак хонимнинг опера Буффдаги ложасида албатта кўриниш бермоғи лозимлигини эслаб қолди. Хоним бу гал уни алоҳида таклиф қилган эди. Матильда, турган гап, унинг у ерга боргани ёки беадабгарчиликка йўл қўйиб, операга боришдан бош тортгани ҳақида албатта хабар топади. Лекин бу далиллар қанчалик асосли бўлмасин, қош қорайгач, йигит одамлар орасига бормоқ учун ўзини оҳиз ҳис этарди. Улар билан сўзлашишга тўғри келади ахир, бу эса қувончининг ярмини йўқотиш демакдир.

Соат ўнга занг урди: операга бормай иложи йўқ эди.

Унинг бахтига, театрга кириб борганида де Фервак хонимнинг ложаси хонимларга лиқ тўла эди, уни шундоқ эшик ёнига сиқиб қўйишди. Йигит ўша ерда бир талай шляпалар панасига ўтиб олди. Бу нарса унинг жонига оро кирди, акс ҳолда у ноқулай аҳволга тушиб қолган бўларди. «Яширин никоҳ»даги Каролинанинг нола чекиб куйлашидан унинг кўзларига тиқиқираб ёш чиқиб кетди. Де Фервак хоним бу кўз ёшларини сезиб қолди. Бу ҳолат Жюльеннинг одатда қатъият ва матонат акс этадиган чеҳрасига шу қадар хос эмасдики, ҳатто иззатталаб аёл, муқаррар бошидан кечиражак бундай ўткир туйғулар аллақачон меъдасига урган шундай акобир хонимнинг ҳам кўнгли ийиб кетди. Унинг қалбидаги аёллик самимиятининг сўнгги қолдиқлари хонимни йиғит билан сўзлашишга ундади. У худди шу дақиқада йигитнинг товушини эшитиб, ундан бахра олгиси келиб қолди.

— Де ля Моль хонимларни кўрдингизми? — деди у йигитга.— Улар учинчи ярусда ўтиришибди.

Жюльен шу заҳоти бир қадар тақаллуфсизлик билан тирсагини пожа барьерига тираб, залга қарадиюб, Матильдага кўзи тушди: қизнинг кўзларида ёш йилтираб турарди.

«Ахир бугун уларнинг операга келадиган куни эмаску, — деб ўйлади у,— кўнгли тусаб қолганини қаранг!»

Уларникига танда қўйиб турадиган хушомадгўй хонимлардан бири шошилинч таклиф килган учинчи ярусдаги ложа ўзларидек хонимларнинг мавкеига мутлақо тўғри келмаса-да, Матильда онасини операга буффга боришга кўндирган эди. У Жюльен бугунги кечани мершал беваси билан ўтказиш ёки ўтказмаслигини билиб олишни истарди.

ГУЛҒУЛА

Мана сизга, ўша цивилизациянгизнинг ҳақиқий мўъжизаси! Сизлар муҳаббатин оддий бир битимга айлантириб қўйибсизлар.

БАРНАВ.

Жюльен де ля Моль хоним ложаси томон отилди. Унинг кўзлари дарҳол Матильданинг жикка ёшга тўлган кўзларига дуч келди, қиз ҳатто ўзини босишга ўринмай очиқдан-очиқ йиғламоқда эди, ложада онасининг уларга ўз жойини таклиф қилган дугонаси ва бир неча, нотаниш ва эътиборсиз кишилар тўпланишганди. Матильда ўз қўлини Жюльеннинг қўли устига қўйди, у онасининг ҳам шу ерда ўтиришганини мутлақо унутиб қўйгандек эди. У йиғлаш энтиккинча фақат биргина сўзни айтиб: «Кафолат», — дея олди холос.

«Фақат у билан сўзлашмасам бўлгани, — дея такрорларди Жюльен, ўзи эса бу пайтда қаттиқ ҳаяжон ичра, гўё учинчи ярусннинг нақ рўпарасида осуғлиқ турган қандилнинг ёркин шуъласидан кўзи қамашаётган одамдек, бўш қўли билан юзини пана қилишга ҳаракат қиларди. — Агар ҳозир сўзлай бошласам, у дарҳол қанчалар изтироб чекаётганимни сезиб қолади, товушим сиримни ошкор қилади, шундан сўнг ҳаммаси барбод бўлиши мумкин».

Дилидаги бу аёвсиз кураш ҳозир унга эрталабкига қараганда анча мошаққатлироқ туюлди, зеро шу ўтган пайт ичида унинг қалби анча безовта бўлиб қолганди. Йигит Матильданинг ғурури яна жунбушга келишидан қўркарди. Бутун вужудини муҳаббат ва эҳтирос қамраб олганидан эс-ҳушини йўқотаётганига қармасдан, у ҳар қалай ўзини қизга бир оғиз ҳам сўз айтмасликка мажбур қилди.

Менимча, бу унинг характеридаги энг ажиб хислатларидан бўлса керак: ўзига ўзи шундай зулм ўтказишга қодир йигит келажакда ажойиб инсон бўлиб етишиши мумкин.

М-ль де ля Моль, Жюльен уйга биз билан бирга кетади, дея туриб олди. Йигитнинг бахтига, қаттиқ ёмғир ёмокда эди. Бироқ маркиза уни ўз қаршисига ўтказиб, бутун йўл давомида уни қизи билан бир оғиз ҳам сўзлаштирмай, у билан ўзи гаплашиб кетди. Шу кетишда маркиза гўё Жюльеннинг бахтини кўриқлаётгандек туюларди, йигит ҳам энди ўз туйғуларини ноғаҳон сездириб қўйиб, ҳамма ишни барбод қилишдан чўчимай қўйгач, телбалик билан уларга эрк бермоқда эди.

Жюльен хонасига кирган заҳоти дарҳол тиз чўкиб, князь Коразов унга берган ишқий мактубларни ўпа бошлагани ҳақида ҳиқоя қилишга ботина олармикинман?

«О, буюк инсон! —дея хитоб қиларди бу телба йигит. — Ҳаммаси, ҳаммаси учун сендан миннатдор бўлмоқ керак!»

Аста-секин у ўзини анча босиб олди. Йигит ҳозир ўзини катта жангда ярим ғалаба қозонган саркардага ўхшатарди. «Жуда улкан муваффақиятга эришдим, —дея муҳокама юритарди у ўзича, — бироқ эртаги нима бўлади? — Бир лаҳзада ҳаммаси барбод бўлиши мумкин».

У Напалеон Муқаддас Елена оролида айтиб туриб ёздирган «мемуарларини жон-жаҳди билан очди-да, икки соат давомида уни мажбуран ўқиб ўтирди; тўғри, китобни фақат унинг кўзларигина ўқирди, лекин бари бир у ўзини мутолаа қилишга мажбур этарди. Бу ғаройиб мутолаа пайтида эса унинг ҳаддан ташқари ҳаяжонга тушган миясн билан юраги ўз ҳолича ишламоқда эди. «Ахир бу қизнинг юраги де Реналь хонимникига мутлақо ўхшамайди», — дея такрорларди у ўзига ўзи, бироқ ҳаёли шу фикрдан нарига ўта олмасди,

«Юрагига доимо гулғула солиб турмоқ керак! — дея хитоб қилди у бирдан қўлидаги китобни бир четга қараб улоқтирар экан. — Душманим мендан кўркканн пайтдагина мендан ақлга тўғри этади, ана ўшанда у мендан нафратланишга ботина олмайди».

У бахтиёрликдан бутунлай эсанкираган ҳолда кичкина хонаси бўйлаб уёқдан-буёққа юрарди. Сирасини айтганда, бу бахтиёрликка муҳаббатдан ҳам кўра кўпроқ ғурур сабабчи эди.

«Юрагига доимо гулғула солиб турмоқ керак, —дея фахр билан такрорлади йигит ва у фахрланишса арзирди ҳам, — Ҳатто энг бахтиёр дамларда ҳам де Реналь хоним ўзи мени қанчалик севса, мен ҳам уни шунчалик севишим ёки севмаслигимни ўйлаб муттасил изтироб чекарди. Бу қиз эса ғурур бобида иблиснинг ўзгинаси, биз уни забт этмоғимиз лозим, жуда яхши, шу йўсинда забт этаверамиз!».

У эртага эрталаб соат саккизданоқ Матильданинг кутубхонага кириб ўтиришини жуда яхши биларди, йигит севгидан дили куйиб, лекин қалбини ақл-идроққа мажбуран бўйсундирган ҳолда у ерга фақат соат тўққизда кириб борди. У тинмай ўзига ўзи: «Қизнинг кўнглига муттасил гулғула солиб турмоқ лозим: токи у мени севармикин? — дея доим шубҳада юрсин. Ўзининг ажойиб насл-насаби, атрофдагиларнинг доим унга хушомад қилиши окибатида унинг кўнгли жуда тез тасалли топадиган бўлиб қолган», —дея такрорларди.

Матильда диванда ранги оппоқ окариб, хотиржам ўтирардию, лекин, чамаси, қимир этишга мажоли йўқ эди. У Жюльенга қўлини узатди:

— Жонгинам, мен сени ранжитдим, чиндан ҳам менга ҳар қанча жаҳл қилсанг арзийди!..

Жюльен унинг шундай соддагина қилиб гапиришини сира кутмаган эди. У дарҳол кўнгли ийиб дилидагини ошкор қилиб қўйишга сал қолди.

— Сиз мендан кафолат талаб қилган эдингиз, дўстгинам, —дея қўшимча қилди қиз, эҳтимол, йигит бу сукутга чек қўяр деган умидда бир оз жим тургач, — сиз ҳақсиз. Майли, мени обқочиб кетинг, Лондонга жўнайлик... Бу ҳол мени умрбод бадном этади, шарманда қилади... — У кўзларини яширмоқ учун Жюльендан қўлини тортиб олишга журъат этди. Қизнинг қалбида бирдан жаллларга хос уятчанлик ва ибо туйғуси яна бирдан туғён кўтарган эди.

— Майли, мени шармандада қилинг, сизга бераднган кафолатим мана шу бўлади.

«Кеча мен бахтиёр эдим, зеро дилимдаги туйғуларни жиловлаб ола билгандим», — дея ўйлади Жюльен. Бир оз сукут сақлаб тургач, у ўзини шу қадар тийиб олдики, қизга совуққина қилиб деди:

— Хўп, сиз билан жиловимиз Лондонга кетяпмиз ҳам дейлик, фараз қилайликки, сиз ўзингизнинг таъбирингиз билан айтганда шармандада ҳам бўлдингиз. Лекин сиз мени ўшандан кейин ҳам севишингизга, почта каретасининг ўзидаёқ бирдан жонингизга тегиб қолмаслигимга ким кафил бўла олади? Мен эслим эмасман, сизни жамият кўз ўнгида бадном этиш мен учун яна бир бахтсизлик бўлади, ҳолос. Ахир бу бўринда сизнинг жамиятдаги нуфузингиз тўсиқ бўлаётгани йўқ. Ҳамма бало сизнинг ўз характерингизда. Мени, кеч бўлмаса, бир ҳафта давомида севишингиз ҳақида ўзингизга ўзингиз кафолат бера оласизми?

«Аҳ, кани энди у мени бир ҳафтагина севса бор йўғи бир ҳафтагина! — дея шивирларди ўзича Жюльен, — мен шу қадар бахтиёр бўлардимки, кейин ўлсам ҳам майли эди. Келажак билан нима ишим бор, мен учун ҳаёт деган нарсанинг ўзи нима? Ахир бу пайтда шу дақиқанинг ўзидаёқ бошланиши мумкин, ўзим шуни истасам бас, бу фақат ўзимга боғлиқ!».

(Давоми бор).

КИТОБ ЖАВОНИ

ЖОЙ НОМИ ТОПОНИМИКАСИ


Маълумки, дунёдаги барча шаҳар ва қишлоқлар, денгиз ва дарёлар, тоғу тошлар номининг тарихи бор. Баъзиларининг номи тарихи узоқ бўлиб баъзиларники эса яқин яқинларда пайдо бўлган. Бундай номлар асосида халқ ҳаёти, тарихи, тили ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб сирларни асраётган катта хазинадир. Бу хазинанинг сирларини топономика, яъни жой номлари ҳақидаги фан ўрганади.

Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти Хоразм Давлат педагогика институтининг ўқитувчилари Зариб Дўсимов ва Худойберган Эгамовлар тузган «Жой номларининг қисқача изоҳли лугати»ни чоп этди. Луғат «Сўз боши»дан ташқари «Луғат тексти». «Луғатдаги лингвистик терминларнинг қисқача изоҳи». «Жой номларининг кўрсаткичи» ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Луғатда ҳаммаси бўлиб етти юз ўттиз икита жой номи ҳақида маълумот келтирилади.

Жой номларининг асл маъноларини билиш, уларнинг келиб чиқиши ва тузилишини ўрганиш мактабларда ўқиш ва ўқитишнинг катта аҳамияти бор. Бинобарин, бундай луғат кенг китобхонлар оммасига ҳам тарихий, ҳам лингвистик, ҳам географик маълумот беришда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

С. РИЗАЕВ.



МОСКВА. Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигидан тушган маблағларга бунёд этилаётган Онкология илмий маркази қурилиши тугалланмоқда.

СУРАТДА: илмий марказнинг янги корпуси.

ТАСС фотохроникаси.

МУТАФАККИР ЖАНР

Очерклариимз ҳақида мулоҳазалар

Бадиий очеркнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапирганда шуни алоҳида таъкидлаб айтишни истар эдим. Очерк бадиий адабиётга хос образлилик билан илмий тадқиқотга хос муҳокаманинг бирикувидан ҳосил бўлган жанрдир. Аниқроғи, ҳаётий, ижтимоий, илмий мутафаккирлик очеркда бадиий публицистик йўсинда ифодаланади ва ўзига хос жозиба касб этади.

Очерк жанрининг савияси, бадиий сифати ҳақида сўз очганда устоз адибларнинг ижодий хазинаси юксак маҳорат мактаби эканлигини эътироф этиш керак. Мен бу ўринда Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа адибларнинг очерклари ижодий маҳоратини кўзда тутяпман.

Ўтган йили буюк адиб Ойбекнинг Покистон ҳақидаги кундалиги биринчи марта эълон қилинди. Маълумки, адиб эллигинчи йилларда совет делегацияси составида Покистонда бўлган ва бу ҳақда бир қанча асарлар эълон қилган эди. Бу асарлар орасида «Покистон таассуротлари» деб номланган сафарномаси ҳам босилган эди. Сафарноманинг кундалиги эса, адиб вафотидан сўнг эълон қилинди. Кундалик устоз адибнинг нотаниш воқеликни серфаҳм, теран, кузатувчанлиги, ҳар бир деталь ва психологик ҳолатларни ҳиссий, бўёқдор тарзда қисқа, лўнда публицистик ифода санъати билан диққатни жалб этади. Адиб Покистон ҳаётини чуқур марксистик тафаккур билан идрок этади, ҳар бир манзара, деталь, одамларнинг турмуши, фикр-қарашларига ҳаққоний ижтимоий баҳо беради. Бир мисол: «14 сентябрь 1949 йил. Эрталаб Лохурга жўнадик. Йўл яхши. Ҳар икки ёнда азим дарахтлар. Далада энг ибтидоий машина ҳам йўқ. Қишлоқлар туташиб кетган дейиш мумкин, бироқ ҳароб. Уйлар пойдан, қинғир-қийшиқ ва бир-бирига ёпишган, қўнган. Йўл бўйлаб гўристонлар тез-тез учрайди. Ҳар мозорга иккитадан оддий тош қадар эканлар. Ҳиндистонда киши умри қисқа. Инглиз таловчилик сиёсатининг натижаси бу. Қишлоқлар қашшоқ ва ялангоч. Йўлда бир ерда қип-ялангоч бир кишини кўрдим. Ўз кўзим билан кўрмасам ишонмас эдим. Нақадар хорлик, расвогарчилик. Ер бой, иқлим аъло, лекин одамлар ғирт қашшоқ». (104-бет).

Юқоридагилардан маълумки, ёзувчи мамлакат ҳаётининг энг асосий белгиларини қисқа, ифодали акс эттиради. Сўзлар, маънолар шу қадар сараланганки, биз Покистон ва Ҳиндистон ҳаёти манзараларини хаёлан тасаввур этамиз ва у ҳақидаги адиб нуқтаи назарини ҳам англаймиз.

Ойбекнинг Покистон кундалиги ўзбек бадиий публицистикасининг кўрки ҳисобланади.

Ўзбек адабиётида портрет очерк тараққий этган. Ўтган йилги очерк махсулотимизнинг ҳам асосий қисми портрет очерклардан иборатдир. Расул Ғамзатов ҳар бир халқнинг фазилати ва даҳосига унинг муносиб фарзандлари орқали баҳо беради, деган эди. Портрет-очеркнинг қиммати шундаки, у жамиятимизнинг энг илғор, энг олижаноб кишилари ҳақида ҳикоя қилади. Инсон фаолияти, шахсияти, портретлари орқали тараққиётимиздаги янги ижтимоий ҳодисаларнинг моҳиятини очади, даврим из фазилатини кўрсатади. Яшин, Назир Сафаров, Ҳаким Назир, Иброҳим Раҳим, Йўлдош Шамшаров, С. Анорбоев, Йўлдош Мукимов адабиётимизда портрет-очерк анъаналарини ижодий садоқат билан давом эттираётган адиблардир. Булар очерк адабиётимизни Бутуниттифоқ миқёсига ҳам олиб чиқдилар. Назир Сафаров ўзбек очерк адабиётида бир қанча меҳнат қаҳрамонларини биринчи бўлиб кашф этган адибдир. Унинг машҳур пилакор Олияхон Султонова ҳақидаги очерки ва бошқа шу каби асарлари китобхонларга маълум. Бу изланувчан публицист адиб тараққиётимиз тенденциясини синчиклаб кузатиб боради. Ундаги ижобий ҳодисалар ва муаммоларни юксак гражданлик туйғуси билан чуқур ҳис этади ва бу ҳақда кўпинча биринчи бўлиб ўз фикрини баён қилади.

Назир Сафаров машҳур механизатор Турсуной Охунова ҳақида ҳам биринчи бўлиб очерк ёзган эди. Шундан кейин бу ҳақда ҳужжатли қисса яратди. «Узоқни кўзлаган қиз» деб аталади бу қисса. Н. Сафаровнинг Турсуной ҳақидаги очеркининг қиммати шундаки, ёзувчи битта ўзбек аёлининг образини яратиш билан кифояланган эмас. Турсуной фаолиятн орқали адиб ўзбек пахтачилигидаги янги ижтимоий ҳодисани тадқиқ этди. Машиналаштириш — пахтачилигимизнинг истиқболи эканлигини, бу соҳада ўзбек аёллари етакчи роль ўйнаши мумкинлиги проблемасини тадқиқ этди. Шундай қилиб, бир киши ҳақидаги очерк ҳам конкрет, ҳам умумлаштирувчи хусусиятга эга бўлди. Турсуной образи ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам реал машъал образга айланди.

Назир Сафаров адабиётимизда ўзи биринчи бўлиб кўтариб чиққан ўзбек механизатор аёллари мавзуига яна қайта мурожаат қилди. Адибнинг Турсуной Охунова портрети ва ташаббуси яна чуқурлаштирилган ва Бутуниттифоқ нуқтаи назаридан баҳоланган «Келажак билан учрашув» сарлавҳали очерки Москвада давлат сиёсий адабиётлар нашриётида чоп этилган «Партия ҳақида ҳикоялар» деб аталган уч томдан иборат очерклар тўпламига киритилди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг ҳар бир янги очерки янги мавзу, теран мушоҳада ҳамда муҳокама хусусияти билан алоҳида ажралиб туради. Ёзувчининг ноқаратупроқ ерларни ўзлаштирувчилар ҳақидаги очерк ва лавҳаларида интернационал дўстлик ғояси талқин этилди. Адиб меҳнатда мўъжизалар кўрсатаётган кишилар, айниқса, ўзбекистонлик азаматларнинг портретларини яратди.

Мен драматург Комил Яшиннинг очерк ва публицистик мақолаларини алоҳида қайд этишни истайман. Адиб дўстлик, қардошлик, қаҳрамонлик ғояларини ўзига хос бадиий публицистик тафаккур билан таъсирли ифодалайди. Комил Яшин зиялиладан кейин ҳудди минг бир кеча эртакларидаги сингари бирданига бунёд этилган янги Тошкентнинг қиёфасини «Минг бир кун» деб аталган публицистик очеркида чизиб берган эди. Қардош халқлар томонидан яратилган ҳар бир микрорайон бирга қўшилиб Тошкентда халклар дўстлиги гулдастаси вужудга келган эди. «Известия» газетасида эълон қилинган бу очерк халқлар дўстлиги, меҳнати, гўзаллигини бутун оламга кўз-кўз қилиб кўрсатди.

Комил Яшин ўзига яқин ва қадрдон бўлган мавзу — биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳаёти мавзуига қайта мурожаат қилди. «Генерал Раҳимов» деб аталган очеркида улуғ ўзбек фарзандининг ифодали портрети яратилган. Собир Раҳимовнинг оддий взвод командирлигидан Улуғ Ватан урушининг муҳим бир йўналишида катта роль ўйнаган Армия қўмондони даражасига кўтарилишини ҳужжатли факт ва далиллар асосида ишонарли кўрсатади. Собир Раҳимовнинг ҳарбий ўсиш йўли ўзбек халқи ҳарбий салоҳиятининг ёркин намунаси сифатида умумлаштирилган. Очерк ўзбек халқининг Улуғ Ватан уруши, Ватан мудофаасига кўшган ҳиссасини кўрсатишга хизмат қилади.

Яшиннинг «Генерал Раҳимов» очерки Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чиқарилган «Жасорат» деган очерклар тўпламига киритилган. Ўзбекистонлик ўттиз олти Совет Иттифоқи Қаҳрамони ҳақидаги портрет очерклар бу тўпламнинг асосий мазмунини ташкил этади. Тўпламдаги очерклар шунингдек, Назир Сафаров, Борис Пармузин, Адҳам Раҳмат, Назармат, Мумтоз Муҳамедов, Анвар Эшонов, Окилжон Ҳусанов, Самад Кодиров, О. Сидельников, Ашурали Аҳмедов ва бошқалар томонидан ёзилган. Қаҳрамонлар ҳақида бундан аввал ёзилган аксарият очеркларда фактлар-да ўзи биринчи бўлиб кўтариб чиққан ўзбек механизатор аёллари мавзуига яна қайта мурожаат қилди. Адибнинг Турсуной Охунова портрети ва ташаббуси яна чуқурлаштирилган ва Бутуниттифоқ нуқтаи назаридан баҳоланган «Келажак билан учрашув» сарлавҳали очерки Москвада давлат сиёсий адабиётлар нашриётида чоп этилган «Партия ҳақида ҳикоялар» деб аталган уч томдан иборат очерклар тўпламига киритилди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг ҳар бир янги очерки янги мавзу, теран мушоҳада ҳамда муҳокама хусусияти билан алоҳида ажралиб туради. Ёзувчининг ноқаратупроқ ерларни ўзлаштирувчилар ҳақидаги очерк ва лавҳаларида интернационал дўстлик ғояси талқин этилди. Адиб меҳнатда мўъжизалар кўрсатаётган кишилар, айниқса, ўзбекистонлик азаматларнинг портретларини яратди.

Мен драматург Комил Яшиннинг очерк ва публицистик мақолаларини алоҳида қайд этишни истайман. Адиб дўстлик, қардошлик, қаҳрамонлик ғояларини ўзига хос бадиий публицистик тафаккур билан таъсирли ифодалайди. Комил Яшин зиялиладан кейин ҳудди минг бир кеча эртакларидаги сингари бирданига бунёд этилган янги Тошкентнинг қиёфасини «Минг бир кун» деб аталган публицистик очеркида чизиб берган эди. Қардош халқлар томонидан яратилган ҳар бир микрорайон бирга қўшилиб Тошкентда халклар дўстлиги гулдастаси вужудга келган эди. «Известия» газетасида эълон қилинган бу очерк халқлар дўстлиги, меҳнати, гўзаллигини бутун оламга кўз-кўз қилиб кўрсатди.

Комил Яшин ўзига яқин ва қадрдон бўлган мавзу — биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳаёти мавзуига қайта мурожаат қилди. «Генерал Раҳимов» деб аталган очеркида улуғ ўзбек фарзандининг ифодали портрети яратилган. Собир Раҳимовнинг оддий взвод командирлигидан Улуғ Ватан урушининг муҳим бир йўналишида катта роль ўйнаган Армия қўмондони даражасига кўтарилишини ҳужжатли факт ва далиллар асосида ишонарли кўрсатади. Собир Раҳимовнинг ҳарбий ўсиш йўли ўзбек халқи ҳарбий салоҳиятининг ёркин намунаси сифатида умумлаштирилган. Очерк ўзбек халқининг Улуғ Ватан уруши, Ватан мудофаасига кўшган ҳиссасини кўрсатишга хизмат қилади.

Яшиннинг «Генерал Раҳимов» очерки Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чиқарилган «Жасорат» деган очерклар тўпламига киритилган. Ўзбекистонлик ўттиз олти Совет Иттифоқи Қаҳрамони ҳақидаги портрет очерклар бу тўпламнинг асосий мазмунини ташкил этади. Тўпламдаги очерклар шунингдек, Назир Сафаров, Борис Пармузин, Адҳам Раҳмат, Назармат, Мумтоз Муҳамедов, Анвар Эшонов, Окилжон Ҳусанов, Самад Кодиров, О. Сидельников, Ашурали Аҳмедов ва бошқалар томонидан ёзилган. Қаҳрамонлар ҳақида бундан аввал ёзилган аксарият очеркларда фактлар-вет ҳокимияти йилларида босиб ўтган олтмиш йиллик йўли ҳақида ўзига хос ҳикоя қиладн. Китобнинг тузилиши ҳам бадиий-публицистик умумлаштирувчи ғоявий мазмунни таъкидлайди. Ҳар бир ўн йиллик бир довон, деб аталади ва умумлаштирувчи қисқа публицистик кириш мақоласи билан бошланади. Олтмиш йиллик олти довонга бўлинган. Бу довонларнинг ҳар бирида мамлакат ҳаётида муҳим роль ўйнаган илғор шахслар, атоқли арбоблар ҳаёти ва портрети чизилади.

«Ўзбекистон юлдузлари» китобида тасвирланган нодир тақдирлар орқали ўзбек халқининг умумлашган бадиий-публицистик портрети яратилган. Бундай китоб катта маърифий-педагогик аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳузуридаги очерк-публицистика советининг хизматларидан бирини ана шу китоб мисолида кўриш мумкин.

Очерк адабиётимизда сўнгги даврда бир қанча алоҳида китоблар пайдо бўлди. Бу китоблар орасида ёшларнинг асарлари ҳам муҳим ўрин тутади. Ёш журналист ва ёзувчилар очерклари адабиётимизга янги қаҳрамон, янги материаллар олиб кирмоқдалар. Маълумки, янги мавзу авторлан янги ҳаётий, маърифий билим, журналистик жасорат талаб этади. Ана шундай мавзулардан бири ноқоратупроқ ерларни ўзлаштиришдагн меҳнат жасорати бўлса, иккинчиси Байкал-Амур магистр

ҚУЛАЙ, ТОЗА ВА ТЕЗ!

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

СИЗНИ ШАҲРИМИЗНИНГ ҲАММА РАЙОНЛАРИДАГИ 64 ТА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ.

Қабул пунктларининг адреси, иш вақти ва дам олиш кунларини эслатиб ўтамиз.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

23— Уйғур кўчаси (8-трамвайнинг «Кўкча» бекати), соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

19 — У. Юсупов кўчаси, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

25 — Улуғбек маҳалласи, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

43 — Навоий кўчаси, 30 «а»-уй; «Сервис» марказий уйи, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

49 — «Молодежная» меҳмонхонаси, соат 9.00 дан 19.00 гача ишлайди.

53 — Марказ—27, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

2— Ҳамза кўчаси, Ҳақиқат проезди, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

9— «Оқтепа» массиви, «Маиший хизмат уйи», соат 8.00 дан 20.00 гача ишлайди (дам олиш кунисиз).

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ — ЯКШАНБА ВА ДУШАНБА.

С. РАҲИМОВ РАЙОНИ

45— 2|3 «Қорақамиш» массиви, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди;

32 — 2-«Қорақамиш» массиви, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди;

48 — ТошМИ шаҳарчаси, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди;

54 — 1|4-«Қорақамиш» массиви, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди;

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ — ЯКШАНБА ВА ДУШАНБА.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ

3— Ш. Руставели кўчаси, 132-уй, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

5— Ш. Руставели кўчаси, 28-уй, «Маиший хизмат уйи», соат 8.00 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди;

6— Фрунзе бозори, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

33— Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтя ётоқхонасида, соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— якшанба ва душанба;

39— «Россия» меҳмонхонаси, соат 9.00 дан 16.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — шанба ва якшанба;

60—Абразив буюмлари комбинати, А. Қаҳҳор кўчаси соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кундари— шанба ва якшанба;

ЛЕНИН РАЙОНИ

16— ЦУМ (трамвайларнинг сўнгги бекати), соат 8.00 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

29 — Стародубцев кўчаси, «Маиший хизмат уйи», соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди.



Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

4 — Ленин кўчаси, 75-уй, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

27— Олтинкўл кўчаси, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

42— «Қўйлиқ» массиви, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

59 — Гайдар ва Сарикулская кўчалари муюлиши, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— якшанба ва душанба;

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

2 — Пушкин кўчаси, 77-уй, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

3 — Новомосковская кўчаси, 23-уй, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

21— «Високовольтний» массиви, «Маиший хизмат уйи», соат 8.00 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди;

1 — Луначарский шоссеси, «Маиший хизмат уйи», соат 8.00 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

50 — Трактор заводи, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

55— «Зарафшон» меҳмонхонаси, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

62 — ТИИИМСХа ётоқхонаси.

63 — Високовольтний массиви.

КИРОВ РАЙОНИ

24 — Каракумская кўчаси, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

35— Туркўрғон кўчаси, 19-уй, «Маиший хизмат уйи», соат 8.00 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди;

34— Марказ—5, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

44 — «Юнусобод» массиви, А—1, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари —якшанба ва душанба;

46 — Аҳмад Дониш кўчаси, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

40— «Тошкент» меҳмонхонаси, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— якшанба ва душанба;

Министрлар Совети биносида — соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— шанба ва якшанба;

47 — «Юнусобод» массиви, А—3, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

17— Муқимий кўчаси, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба.

7— Гагарин кўчаси, 6-уй, соат 8.00 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди;

13 — «Мевазор» массиви, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

14 — Олмазор кўчаси, 189-уй.

28 — «Чилонзор» массиви, 19-квартал, 32-уй, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари —якшанба ва душанба;

10— «Чилонзор» массиви, 17-квартал, 52-уй, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

22— «Чилонзор» массиви, 11-квартал, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба.

30 — «Чилонзор» массиви, 26-квартал, соат 9.00 дан 18.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

38 — «Чилонзор» массиви, 22-квартал, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

11 — Спутник шаҳарчаси, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

18 — Эски Сергели посёлкаси, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ— ЯКШАНБА ВА ДУШАНБА.

ҲАМЗА РАЙОНИ

36 — Уйсозлик комбинати, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 16.00 гача ишлайди.

41 — «Комсомол 40 йиллиги» кўчаси, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

52 — «Қўйлиқ» массиви, «Узбум», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ— ЯКШАНБА ВА ДУШАНБА.

Агар Сизга кийимларингизни зудлик билан тозалатиш зарур бўлиб қолса, дам олиш кунисиз ва танаффуссиз (соат 8.00 дан 20.00 гача) ишлайдиган тез тозалаш филиалларига мурожаат қилишни маслаҳат берамиз.

БУНДАЙ ФИЛИАЛЛАРДА ТОЗАЛАБ БЕРИШ МУДДАТИ — 24 СОАТ.

ТЕЗ ТОЗАЛАШ ФИЛИАЛЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

1 — Западная кўчаси, 1-уй, («Химчистка» фабрикаси қошида);
2 — «Чилонзор» массиви, 1-квартал, Пионерская кўчаси;
3 — Студентлар шаҳарчаси, «Маиший хизмат уйи»;
4 — 4-турар жой шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, 9-уй;
5— «Узбекистон» маиший хизмат уйи, Полторацкий кўчаси.

Фақат 2-филиалда антистатик ишлов бериш, шимлар, юбкалар ва ошқа буюмларни ғижимланмайдиган қилиш каби хизматларни ҳам бажаради.

Ҳамма қабул пунктларидан тозаланган кийимларни ўраб, солиб кетиш учун полиэтилен пакетларни сотиб олиш мумкин.

Шунингдек, 6 квадрат метрдан катта бўлмаган гилам ва гилам поендозлар, 1 метру 70 см. Х 2 метру 50 см. ли тур ва тўр маҳсулотлар ҳам тозалаб бериш учун қабул қилинади.

ФАБРИКАНИНГ КЎЧМА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ ХИЗМАТИДАН ҲАМ ФОЙДАЛАНИШНИ УНУТМАНГ. УЛАР БЕЛГИЛАНГАН КУНДА ШАҲАРДАГИ КОРХОНАЛАР ВА ТУРАР ЖОЙ МАССИВЛАРИ АҲОЛИСИГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ.



БУЮРТМА ҚАБУЛ ҚИЛИНГ!

БУ СЎЗ ЭНДИЛИКДА «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ПОЙТАХТ АҲОЛИСИ УЧУН ЯНАДА ОДАТ ТУСИГА КИРАДИ.

Эндиликда қўйидаги телефон номерларидан бирини теришнинг ўзи кифоя: 33-56-58, 96-37-41, 44-53-15, 44-61-45 ва диспетчер

БУЮРТМАНГИЗНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Белгиланган вақтда уйингизга фабрика вакили кириб келади ва буюртмангизни тозалаш учун олиб кетади.

МАНА БИР НЕЧА ҚЎШИМЧА СПРАВКАЛАР:

— Буюртмалар буюртмачининг қайси районда яшашидан қатъий назар, дам олиш кунисиз ҳар куни соат 8.00 дан 20.00 гача қабул қилинади;
— тозалаб бериш учун камида 5 буюм қабул қилинади;
— ҳақ тўлаш одатдаги тариф бўйича;
— уйга чақириш ва ҳар бир буюмни қайтариб уйга элтиб бериш учун қўшимча 50 тийин ҳақ ундирилади;
— буюртмани бажариб бериш муддати — 7 кун;
— буюмлар тозалаб берилгач, агар у буюртмачининг айби билан ўз вақтида қабул қилинмаса, у ҳолда фақат фабриканинг ўзидан қуйидаги адрес бўйича олиб кетилади; Западний кўчаси: 1-уй (18-автобус, 7, 14, 24-трамвайлар).

ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ:

ЎЗ ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАНГ!

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ

хизматнинг янги усулини — уйда юмшоқ мебелларни тозалашни

ТАШКИЛ ҚИЛДИ

ПРЕЙСКУРАНТ БИЛАН ТАНИШИНГ:

СТУЛ, ПУФИК — 1 донаси, — 50 тийин.
КРЕСЛО — 1 донаси — 1 сўм.
КРЕСЛО-КАРАВОТ, КУШЕТКА, ТАХТА, БИР КИШИЛИК СОФА — 1 донаси — 2 сўм.
ДИВАН, ДИВАН-КАРАВОТ, ТАХТА, КЕНГРОҚ СОФА, ИККИ КИШИЛИК СОФА — 1 донаси — 3 сўм.
Юмшоқларни бажариш учун уйга чақириш, буюмларнинг миқдоридан қатъий назар, 50 тийин.

БИР БУЮМНИ ТОЗАЛАШ УНИНГ КАТТА-КИЧИКЛИГИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР 10 МИНУТДАН 40 МИНУТГАЧА.

Бу ишларни бажариш учун кўчма бригада хизмат қилади: малакали мутахассислар мавжуд буюмларни тозалашни ўша жойнинг ўзида аниқлайдилар.

ҚАНДАЙ ЧАҚИРИШ МУМКИН?

Қуйидаги телефонлардан бирортасини терсангиз сизга қулай бўлган вақтда хизмат кўрсатилади.

ЭСЛАБ ҚОЛИНГ: 53-20-54.

(буюртмалар шанба ва якшанбадан ташқари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади)

33-56-58

(буюртмалар дам олиш кунисиз соат 8.00 дан 20.00 гача қабул қилинади).

Бригадалар якшанба ва душанба кунлари дам олади.

Кўчма бригадаларнинг бажарган ишлари сифати бўйича таклиф ва мулоҳазаларни қуйидаги адрес бўйича хабар қилишингизни сўраймиз: Западная кўчаси, «Химчистка» фабрикаси, дирекция (18-автобус, 7, 14, 24-трамвайлар билан борилади) ёки 53-48-33 телефони орқали хабар қилинади.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг

МЕҲНАТ БЎЙИЧА БЎЛИМИ

18 ёшдан 50 ёшгача бўлган ёлғиз аёлларни

«САХАЛИНРЫБПРОМ»да

ОЛТИ ОЙ ИШЛАШ УЧУН

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТДАН 8 ИЮНДА ЖЎНАЛАДИ.

Ҳужжатларни расмийлаштириш жўнаш кунидан 10 кун олдин тўхтатилади.

Ишга борадиганларга қайтиб олинмайдиган нафақа, йўл харажати, иш жойига бориш ва шартнома муддати тугагандан сўнг қайтиш учун йўл ҳақи тўланади.

Справкалар олиш ва шартномалар тузиш учун Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 1-қават, 6-уйга ва аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюросининг район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларига учрашилсин.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

17 МАЙ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Мультфильмлар программаси. 10.25 «Голубка». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.30 «Киноэҳтирослар клуби». 15.00 «Экран» ижодий уюшмасининг ҳужжатли фильмлари программаси. 15.40 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». 16.10 «Б. Шоу ижоди». 2-курсатув. 17.00 «Фан оламида». 17.30 Бокс бўйича жаҳон чемпионати. Белграддан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Инсон саховати ҳақида қисқа қисса». Ҳужжатли фильм. 19.00 «Жаҳон халқларининг ижоди». 19.30 «Ишимизнинг сифати». Курсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради. 20.15 «Спортлото» тиражи. 20.25 «Голубка». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Мураккаб йўл». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.30 «Сизнинг фикрингича». 23.25 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Узбекистон химия саноатининг ривожланиши». Химиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Бақалкал узра рельслар», «Олисдаги малҳда». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 12.30 «Узбекистонда химия саноатининг ривожланиши», Химиядан ўқув кўрсатуви (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Еш куч». 18.30 «Прогресс» программаси. «Модлий ресурслар — бизнинг бойлигимиз». 19.00 «Мил...лар ленинча университети». «КПСС фаолиятида назария, сиесат ва практиканинг бирлиги». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Ешларнинг «Биз — ватанпарвар-интернационалистларимиз» республика фестивали. Спорт байрами. «Юбилейний» Марказий спорт залидан олиб кўрсатилади (ёшлар оилалари). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Жаҳоннинг машҳур композиторлари». Италъян композитори Антонио Вивальди туғилган кунининг 300 йиллигига. 21.30. Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Деҳқон ва замон». Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги ленинча декрет имзоланганлигининг 60 йиллигига бағишланган программа. 23.10 «Тўй тароналари». Телевизион фильм-концерт. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Болочаевка болалари». 19.25 «Коммунизм қуриш даврида эстетик маданиятнинг ривожланиши». Эстетикадан ўқув кўрсатуви (рус.). 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 Реклама. 20.40 «Арагап». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.10 Абитуриентлар учун. Физика.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/V да **Флория Тоска**, 17/V да **Бир актян балетлар**, 18/V да **Флория Тоска**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/V да **Келинлар қўзғолони**, 18/V да **Рўйхатларда йўқ**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/Vда **Тошкентнинг нозанин маликаси**, 18/V да **Она қизим**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.**

КИНО

16, 17 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Парол: «Зангори нилуфар»** (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Парол: «Зангори нилуфар» — «ЧАЙКА» (11.30, 14, 16.15, 18.30, 21.00).

Эгизаклар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли, «МОСКВА» (жуфт соатларда).

Шум бола — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Меҳрибонлик — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Мимино — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

Меҳрибонлик— «ХИВА» (20.30).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЗАРГАРЛИК ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ

139-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

Ўқувчилар қабул қилади

заргар, ички коммуникациялар бўйича слесарь-сантехник, мебелчи, чинни тайёрловчилар, чинницга гул солувчи, станокларни ремонт қилувчи слесарь.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8—10 синфни тамомлаган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати узлуксиз мехнат стажига киради.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини битириб чиққанлар олий ўқув юртларига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

Ўрта маълумот билан билим юртига ўқишга кирганларга ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия берилади, 8-синф ҳажмида ўқишга кирганлар эса давлат таъминотида бўлиб, кийим-бош ва кунига 3 маҳал овқат билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процента тўланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИШЛАЙДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, характеристика, турар жойидан справка, соғлиги ҳақидаги справка (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: 700002, Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-тупик, 4-уй (38, 40, 49, 76-автобусларнинг «Қўштут» бекати).

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг

5-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Билим юртида ҳар йили эркаклар ва болалар костюмини тикувчилар, аёллар ва болалар пальтосини тикувчилар, аёллар ва болалар енгил кўйлакларини тикувчилар ихтисослиги бўйича 1000 га яқин ўқувчи таълим олади.

Ўқиш муддати — 1 йил. Ойига 30 сўм стипендия.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентини оладилар. Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, яшаш жойи ва ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), директор номига ариза, 4 та фотосурат (3х4 см, ҳажмида), мактабдан характеристика.

Билим юртида «Уз касбининг устаси», «Биринчи энг яхши маҳсулот» конкурслари ўтказиб борилади.

«Еш ишчи кунида ўқувчилар ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар билан учрашадилар.

Техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт секцияларида машғулотлар мунтазам ўтказиб борилади.

Билим юрти адреси: Тошкент —100, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй. Телефонлар: 53-36-45, 53-73-09.

Ўзбекистон КП Фрунзе район комитети ва халқ депутатлари район ижроия комитети 1943 йилдан буён КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти партия ташкилотининг секретари

Мухтор Қозоқбоевич ҒАФУРБОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўрта Осиё темир бошқармасининг раҳбарлиги, партия, касаба союз ва маҳаллий комитетлари бошқарма ходими Ж. А. Аҳмадхўжаевга отаси

Ҳожиқанбар АҲМАДХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 БЕТ. **ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

16 МАЙ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарвар ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р-12948. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр—Д—1309.